2010 ЙИЛ 11 ФЕВРАЛЬ, ПАЙШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 28 (11.589) | Баҳоси эркин нархда

## ПРЕЗИДЕНТ СЕУЛГА ЖЎНАБ КЕТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан 10 февраль куни давлат ташрифи билан Корея Республикасига жўнаб кетди.

Ташриф чоғида Ўзбекистон-Корея ҳамкорлигини янада кенгайтириш ва ривожлантириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга оид долзарб муаммолар муҳокама қилинади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ҳамкорлигини янада ривожлантиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

## ИСЛОМ КАРИМОВ СЕУЛГА КЕЛДИ

**Сеул. 10 февраль. ЎзА махсус мухбири Анвар Бобоев хабар қилади.**

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси пойтахти Сеул шаҳрига етиб келди.

Ташрифнинг асосий воқеалари 11 февралга белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ва Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бак Ўзбекистон-Корея муносабатларига оид масалалар, ўзларини қизиқтирган минтақавий ва халқаро муаммолар юзасидан фикр алмашадилар.

Музокаралар якунида икки мамлакат ўртасида турли соҳалардаги ҳамкорликни янада кенгайтиришга қаратилган қатор ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

**(ЎзА)**

### ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:

## СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

**Аввал хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг таклифига биноан давлат ташрифи билан ушбу мамлакатга келди. Мамлакатимиз раҳбарининг ташрифи 12 февраль кунигача давом этади.**

Ўзбекистон ва Корея Республикаси ўртасидаги алоқаларнинг жўшқин ривожланишига ўзаро ишонч, англашув ва қўллаб-қувватлаш тамойилларига асосланган амалий сиёсий мулоқотлар, шунингдек, халқаро муаммолар, минтақавий хавфсизлик масалалари бўйича ёндашувларнинг умумийлиги ва яқинлиги, икки мамлакат манфаатларига ҳозирги кунда мавжуд бўлган таҳдид ва даъватлар юзасидан қарашларнинг ўхшашлиги ўзига хос кўмак вазифасини ўтамоқда.

Мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганидан буён ўтган 18 йил давомида Корея Республикаси барча муносабатларда стратегик шерикка, Осиё давлатлари орасида энг йирик сармоявий ҳамкорга айланди, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик тамойиллари эса халқларимизнинг икки томонлама фойдали ва узоқ муддатли манфаатларидан келиб чиқади. Ўзбекистон ва Жанубий Корея раҳбарларининг доимий учрашувлари икки мамлакат алоқаларининг мустаҳкамланишига хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2008 йил февраль ойида Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг инаугурация маросимида иштирок этиши ва Пекин шаҳрида бўлиб ўтган XXIX Ёзги олимпиа ўйинларининг очилиши тантаналари доирасидаги учрашувлар икки давлат раҳбарлари ўртасидаги ишончли муносабатларнинг чуқурлашувига асос бўлди.

Ли Мён Бакнинг 2009 йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширган давлат ташрифи Сеулнинг стратегик шерикликни янада ривожлантириш, илгариги саммитлар чоғида эришилган келишув ва битимларнинг амалга оширилишига содиқлигини тасдиқлади.

Икки мамлакат алоқаларининг ҳуқуқий асосини сиёсий, савдо-иқтисодий, молиявий-сармоявий ва маданий-гуманитар соҳаларни қамраб олган 170 га яқин ҳукуматлараро ва идоралараро ҳужжатлар ташкил этади.

Томонларнинг халқаро хавфсизликнинг бугунги муаммолари борасидаги ёндашувлари яқинлиги ҳам сиёсий алоқаларнинг ҳозирги юқори даражасига эришишга хизмат қилган асосий омиллардан бири саналади. Ўзбекистон худди Жанубий Корея каби, адолатли, хавф-хатардан ҳоли халқаро тартиботни шакллантириш, минтақавий ва халқаро миқёсдаги, хусусан, ядро қуролини тарқатмаслик, террорчилик ва диний экстремизм, наркоагрессия ва уюшган жиноятчилик каби муаммоларни ҳал этишда БМТнинг тутган ўрнини ҳар томонлама мустаҳкамлаш тарафдоридир.

(Давоми 2-бетда).

# ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



**Ватан — инсонга ато этилган энг азиз неъмат, муқаддас тупроқ. Ушбу табаррук заминни мардлик, жасорат безаб туради, у эътибор ва иззатдан юксалади. Шунинг учун ҳам улуғ аждодларимиз Ватанни қуёш каби эъзозлаганлар. Мард ва жасур ўғлонлар ўз юрти тинчлиги-тотувлигини сақлаш учун ҳамиша хизматга шай турганлар.**

### Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

## ЎҒЛОНЛАР ХИЗМАТГА ОТЛАНДИ

Бугун боболари издошлари бўлган мустақил диёримиз ўғлонлари ҳам сарҳадларимиз дахлсизлиги, осмонимиз мусаффолиги йўлида миллий армиямиз сафида хизмат қилиб, йигитлик бурчларини ўташни ўзлари учун шараф ва фахр деб билмоқдалар.



Айни кунларда Президентимизнинг «Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига фуқароларни навбатдаги чақирув ҳамда муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни хизматдан бўшатиш тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ тиббий кўрик, синов ва танловлардан муваффақиятли ўтиб, она-Ватан ҳимоячиси бўлишга муносиб деб топилган ўғлонлар хизматга катта тантана билан кузатилмоқда.

Куни кеча Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси томонидан ташкил этилган мана шундай тадбирда «Маҳалла», «Нуроний» жамғармалари, «Камолот» ЁИҲ фаоллари ва чақирилувчиларнинг ота-оналари иштирок этдилар.

Тадбирда сўз олган Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, полковник Баҳромжон Жуманиёзов, Миробод тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Наргиза Пўлатова, «Нуроний» жамғармаси туман бўлими раиси Ботир Усмонов, чақирилувчининг онаси Маърифат Ҳайитметова ва бошқалар юртимизда Қуролли Кучлар тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар, эл-юрт осойишталиги йўлида сергак турган она-Ватан посбонларига яратилган шарт-шароит, эътибор ва имтиёзлар ҳақида таъкидлашиб, хизматга отланган йигитларга «Бурчингизни ёруғ юз билан ўтанг, ой бориб, омон келинг», дея эзгу тилакларни билдирдилар.

— Ҳарбий хизматга отланган ҳар бир йигитнинг оилавий шароити, соғлиғи, жисмоний ва маънавий тайёргарлиги, билими, дунёқараши ўрганилиб, Ватан ҳимоячиси деган юксак номга сазовор бўлган бир гуруҳ ўғлонлар бугун чегара қўшинлари сафига кузатилмоқда, — дейди Тошкент шаҳар Мудофаа ишлари бошқармаси чақирув бўлими бошлиғи Набижон Ғаффоров. — Бундан ташқари, уларга ҳарбий хизмат турлари, аскарларнинг ҳуқуқ ва бурчлари, ҳарбий қисмларда яратилган шарт-шароит, белгиланган имтиёзлар ҳақида ҳам етарли маълумотлар берилди. Ишонамизки, посбон деган шарафли номга сазовор бўлган мард йигитлар хизматни аълога бажариб, ўзларига билдирилган юксак ишончни албатта оқлайдилар.

— Ўғлимнинг бўй-бастига қараб, меҳрим янада ошмоқда, унинг хизматга муносиб деб топилгани меҳнатларимиз, таълим-тарбиямиз самарасидир, албатта, — дейди Азиза Муротова. — Оналарнинг тилаги ҳамиша битта: юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, фарзандларимиз хизматни яхши ўтаб, юзимизни ёруғ қилган ҳолда бағримизга эсон-омон қайтсинлар.

Яқинлари даврасида ғоз турган Достон Маҳкамбоев, Миразиз Каримов, Ўткир Фармонов ва Нодиржон Маҳмудовлар эса хизматга сидқидилдан отланганлари, ўз йигитлик бурчларини шараф билан ўтаб, олий ўқув юртига кириб ўқишлари ва ота-оналари, она-Ватанига муносиб фарзанд бўлишларини айтдилар.

Тадбир давомида янграган куй ва қўшиқлар, совға-саломлар кузатув маросимига янада кўтаринкилик бахш этди.

**Шоира МУҲАМЕДОВА**

**СУРАТЛАРДА: кузатув маросимидан лавҳалар.**
**Ҳакимжон Солиҳов олган суратлар**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **ЮНУСОБОД** туманидаги 455-мактабгача таълим муассасасида тарбияланувчилар, тарбиячилар, педагоглар иштирокида туман халқ таълими бўлими ташаббуси билан уюштирилган семинар «Болаларни касбга йўналтириш» деб номланди.

✓ **БУГУН** Калонов номли компьютер технологиялари касб-ҳунар коллежи ахборот-ресурс марказида 105-мактаб билан ҳамкорликда «Мутафаккир, отахон шоир» мавзуида уюштирилган маънавий-маърифий давра суҳбати буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллигига бағишланди.

✓ **ҲАМЗА** туманидаги 30-мактабда «Шеърият мулкининг султони» мавзуида Алишер Навоий таваллудининг 569 йиллигига бағишлаб ўтказилган адабий кечада ўқувчилар, ўқитувчилар, адабиётшунослар иштирок этишди.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида педагоглар иштирокида ўтказилган семинарда халқ таълимини ривожлантиришнинг долзарб масалалари борасида ўзаро фикр алмашилди.

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

- **Президентимизнинг қишлоқ жойларида уй-жой қурилиши кўламини кенгайтириш тўғрисидаги қарорига мувофиқ Шофиркон туманида ҳам намунавий лойиҳа асосида уй-жойлар бунёд этишга киришилди. Ҳар бирининг ўртача қиймати 60 миллион сўм бўлган 20 та янги уй Мустақиллик байрами арафасида фойдаланишга топширилади.**
- **Бухорода Ўзбекистон-Хитой савдо уйи вакилларининг бизнес тузилмалар ва вилоятдаги оммавий ахборот воситалари ходимлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Унда келгусида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантириш билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинди.**
- **Маҳаллийлаштириш дастури доирасида Фарғона вилоятида импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони 64 тага етди.**
- **Марғилон шаҳрида «Камолот» ЁИҲ шаҳар Кенгаши ва «Маҳалла» хайрия жамғармаси шаҳар бўлими ҳамкорлигида ёшлар компьютер маркази ташкил этилди.**
- **Бухоро туманидаги чорвачиликка ихтисослашган «Жониқулов Саид» фермер хўжалигида сутни қайта ишлаш йўлга қўйилди. Хориждан келтирилган замонавий технологиялар ёрдамида бу ерда бир кеча-кундузда олти хилдан ортиқ сут маҳсулотлари тайёрланмоқда. Фермер хўжалиги фаолияти кенгайиши ҳисобига яна саккизта янги иш ўрни яратилди.**
- **Сурхондарё вилояти Олтинсой туманидаги «Шакарқамиш» маҳалласида деҳқон бозори қурилиши бошланди. Унга бир гектар майдон ажратилиб, ҳудуддаги бешта бозорнинг энг тўкини ва кўркам, тароватлиси бўлиши учун барча имкониятлар ишга солинмоқда. Янги деҳқон бозорини шу йилнинг ўзида фойдаланишга топшириш кўзда тутилган.**
- **Наманган вилоятининг отчопар майдонида Маданият ва спорт ишлари вазирлиги Улоқ-кўпкари федерацияси, Наманган вилоят ҳокимлиги ҳамда «Камолот» ЁИҲ вилоят бўлими ҳамкорлигида «Олтин водий» соврини учун от спорти бўйича Ўзбекистон очиқ чемпионати бўлиб ўтди.**

### ЖАҲОНДА

- **Варшава Россия билан газ етказиб бериш юзасидан тузилган битимни тасдиқлади.**
- **АҚШ маъмурлари Эроннинг бир нечта қурилиш компаниялари маҳсулотларини олишни ман этди.**
- **Молдавия бош вазири В.Филат Россиядан 150 миллион долларлик кредит олиниши юзасидан музокараларнинг қайтадан бошланишини маълум қилди.**
- **АҚШда кузатилаётган қаҳратон қиш улкан муаммоларни келтириб чиқармоқда. Жумладан, Нью-Йоркдаги кўпгина давлат муассасалари, таълим даргоҳлари, йирик автомагистраллар фаолияти вақтинча тўхтаб қолган. БМТнинг Бош қароргоҳи ҳам маълум муддатга ёпилган. Вашингтонда эса марказий аэропорт ёпилган, АҚШ Конгресси ва бошқа федерал ташкилотлар режадан ташқари таътилга чиқарилган. Мутахассисларнинг таъкидлашича, бундай қаҳратон қиш АҚШда юз йилдан буён рўй бермаган.**
- **Яқинда Бирлашган Араб Амирликларида қад ростлаган дунёдаги энг баланд бино — 828 метрли «Бурж Дубай»га ташриф буюрувчиларни қабул қилиш номаълум муддатгача тўхтатилган. Гап шундаки, мазкур иншоотнинг электр таъминоти тизимида айрим муаммолар юзага келганлиги сабабли, уларни бартараф этиш ишлари олиб борилмоқда.**
- **Литвада ўтказилган махсус операция натижасида катта миқдордаги кокаин гиёвандлик моддаси қўлга туширилиб, йўқ қилинди. Таъкидлаш керакки, 500 килограмм миқдоридаги (қиймати 20-40 миллион долларлик) гиёвандлик моддаси музлатилган балиқ юкланган контейнерда бўлган. Кокаин юкланган контейнер Эквадордан Германия орқали Литвага етиб келган.**
- **Гаитида рўй берган зилзиладан сўнг 27 кундан кейин вайроналар остидан яна бир тирик инсон топилди. Маълумотларга кўра, 28 ёшли йигит шунча вақт давомида қулаб тушган бинолар остида ётган. Айни пайтда шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун ҳаракат қилмоқдалар.**

# ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ — ДОИМИЙ ҲИМОЯДА

**Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) ҳузуридаги Инсоннинг конституциявий ҳуқуқлари ва эркинликларига риоя этилиши бўйича комиссия йиғилиши бўлиб ўтди.**

Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари, Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг ҳамкор ташкилотлари, манфаатдор вазирлик ва идоралар, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар ва оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили С.Рашидова, Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ директори А.Саидов ва бошқалар ўтган йил мамлакатимизда инсон ҳуқуқларини таъминлаш соҳасида муҳим босқич бўлганлигини, юртимизда икки палатали парламентга ва маҳаллий ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар муваффақиятли ўтганлиги, суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштириш ва ислоҳ қилиш жараёни изчил давом эттирилгани, инсон ҳуқуқларига оид халқаро андозалар нормаларининг миллий қонунчиликка имплементацияси амалга оширилганлиги, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва саводхонлигини юксалтириш масалаларига катта эътибор қаратилганини таъкидладилар. Бу жараёнда Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили ҳам фаол иштирок этмоқда.

Омбудсман институтининг инсон ҳуқуқлари соҳасида миллий қонунчиликни янада такомиллаштириш ва бажарилишини мониторинг қилиш, фуқароларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда бузилган ҳуқуқ ва эркинликларини тиклаш, ахборот-тарғибот иши, юртимиз фуқароларининг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини таъминлаш борасида аниқланган муаммолар ва уларни ҳал қилиш йўлларини ўрганиш билан боғлиқ йўналишлар бўйича фаолияти ўз самараларини бермоқда.

Олий Мажлиснинг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан биргаликда суд, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда соғлиқни сақлаш тизимида «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман) тўғрисида» ва «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги қонунларнинг ижро этилиш амалиётини ўрганди.

Фуқаролар турли давлат органларига мурожаат қилиш бўйича конституциявий ҳуқуқларидан кенг фойдаланаётгани, жумладан, Омбудсманга мурожаатлар кўпайгани қайд этилди. Ўтган йили Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилга фуқаролардан 10 мингдан зиёд мурожаат тушди. Омбудсманнинг минтақавий вакиллари томонидан фуқароларнинг қарийб бир минг уч юз шикоят ва аризаси қабул қилиб олинди. Фуқароларга уларнинг мурожаатларида қўйилган масалаларни ижобий ҳал этиш юзасидан амалдаги қонун нормалари кенг ва атрофлича тушунтирилиб, тегишли тавсиялар берилди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилнинг фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари ва хорижий давлатларнинг омбудсманлари, халқаро ташкилотлар билан олиб бораётган ҳамкорлиги яхши самаралар бераётгани қайд этилди.

**Т.БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзА мухбири**



**Яқинда Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат маданият институтида профессор, ўқитувчиларнинг анъанавий XXXVI илмий-назарий, илмий-ижодий конференцияси бўлиб ўтди. Унда ўтган йиллар давомида институтда олиб борилган илмий ва амалий ишлар сарҳисоб қилинди.**



Таълим муассасаларида

# ИЛМ-ФАН — ИЖТИМОИЙ ТАРАҚҚИЁТ ОМИЛИ

Мамлакатимиз олий тизимида ўзига хос нуфузга, илмий-ижодий салоҳиятга эга таълим муассасаларидан бири ҳисобланган бу ўқув даргоҳида республикамиздаги мавжуд маданият муассасаларига кўплаб санъаткорлар, ижодий ходимлар тайёрланиши билан биргаликда, катта ҳажмда илмий-тадқиқот ишлари ҳам олиб борилаётганлигини таъкидлаш лозим.

Анъанавий конференцияда шулар ҳақида сўз борди. Бу тўғрида институт проректори тарих фанлари доктори Абдухалил Маврулов шундай дейди:

— Ҳозирги кунда ўқув муассасамизда 9 нафар фан доктори, профессорлар, 60 дан ортиқ фан номзодлари, доцентлар, 4 нафар Ўзбекистон халқ артистлари, ҳофизлари, кўплаб хизмат кўрсатган артистлар ва маданият ходимлари меҳнат қилмоқда. Олимларимиз томонидан «Жамиятни эркинлаштириш шароитида Ўзбекистон маданияти» деб номланган комплекс илмий-тадқиқот мавзуси бўйича биргина 2009 йилда 3 та монография, учта дарслик, 37 та ўқув-услубий қўлланма, 140 дан ортиқ турли илмий мақола нашр этилди. Уларда юртимиз маданиятининг тарихи, назарияси, ижтимоий-маданий фаолият, ижтимоий иш, маданият социологияси каби фаннинг турли йўналишлари бўйича янги илмий хулосалар берилди. Институт профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти ҳам ортиб бормоқда. Бугунги кунда унинг даражаси 52 фоизни ташкил этади ва бу яхши кўрсаткич ҳисобланади. Айтишга арзигулик салмоқли ютуқларимиздан бири — талабаларни илмий-тадқиқот, илмий-ижодий ишларга жалб этишдир. Яна бир янгилик шундан иборатки, бугунги кунга келиб, институтда барча талабалар ўзларининг мажмуавий илмий-тадқиқот мавзуларига эга. Талаба биринчи курсдан ўз мавзуси асосида иш олиб боради, курс иши, илмий маъруза, битирув малакавий иши, магистрлик ва номзодлик диссертациялари даражасида олиб бориш имконига ҳам эга бўлмоқда. Шу мақсад йўлида институтда «Энг яхши ғоя» талабалар кўрик-танлови ўтказилмоқда. Ушбу ишлар натижаси ўлароқ ўтган йилнинг ўзида талабаларнинг ўн бешга яқин китоби, рисолалари чоп этилди, 120 дан ортиқ талабанинг маълумот банки яратилди. Уларда келажакда жиддий илмий иш олиб бориш кўникмаси мавжудлиги аниқланди. 2009 йили иккинчи курс магистри Барно Мелиқулованинг Ўзбекистон Республикаси Президенти стипендияси, тўртинчи курс талабаси Ҳилола Исмоилованинг Алишер Навоий номли давлат стипендияси совриндорлари бўлишлари ҳам юқоридаги каби илмий-ижодий муҳитнинг натижасидир. Энг асосийси, ўқув масканимизда кейинги бир йил ичида Челябинск Давлат маданият ва санъат академияси билан ҳамкорликда 2 та илмий тўплам нашр этилди. 2009 йилда Қозон Давлат маданият ва санъат университети билан ҳамкорликда «Ўзбекистон ва Татаристон ижтимоий-маданий жараёнлари: йўналишлар ва янгиликлар» деб номланган илмий тўплами чоп қилинди. Қозон шаҳрида нашр этилган ушбу тўпламдан институт профессор-ўқитувчиларининг йигирмага яқин илмий мақолалари ўрин олди. Бундай ҳамкорлик бошқа мамлакатлар билан ҳам олиб борилмоқда.

**Гулчеҳра ДУРДИЕВА**
**СУРАТЛАРДА: институт ҳаётидан лавҳалар**

Иқтисодиёт

# БОЗОР ТАЛАБЛАРИГА МОС

**Бозор талаблари асосида изланиб, ички бозорни четдан келтирилаётган товарлар ўрнини босувчи маҳсулотлар билан таъминлаётган ишлаб чиқарувчилар, албатта иқтисодиётимиз ривожига муносиб улуш қўшишмоқда.**

Юртимизда бунёдкорлик ишлари авжи паллага кирган бугунги кунда, шубҳасиз, қурилиш ашёларига талаб юқори. Шу боис ҳам тадбиркорларимиз қурилишда қўл келадиган импорт ўрнини босувчи бунёдкорлик ашёлари тайёрлашга, уларни бунёдкорларга ўз вақтида етказиб беришга эътибор қаратишган. Энг асосийси эса ана шундай қурилиш ашёларининг турлари ва сифати ортиб бораётганидир.

Бунёдкорликда пардозлаш ашёларининг ҳам ўзига хос ўрни бўлиб, бино ва иншоотлар кўркини очишда, уларга замонавий безак беришда, чиройини оширишда муҳим аҳамият касб этади. 2003 йилдан буён муваффақиятли фаолият кўрсатиб келаётган «EAST KOLOR» қўшма корхонасида ҳам кенг турдаги пардозлаш ашёлари ишлаб чиқарилмоқда. Шунинг баробарида мазкур маҳсулотларнинг талаблар даражасида қадоқланишига ҳам эришилаётгани харидорларни жалб этишда, буюртмалар кўпайишида катта аҳамиятга эга бўлаяпти.

Корхонада йилдан йилга ишлаб чиқариш ҳажмининг ортиши натижасида ишчи-хизматчилар сафи ҳам кенгайиб, ҳозирда улар 200 нафарни ташкил этмоқда. Тайёрланаётган европа андозалари даражасидаги лок-бўёқлар, эмал, безак ашёлари, қуруқ қурилиш аралашмалари, полиэтилен идишлар рақобатбардошлиги билан ажралиб туради. Маҳсулот турларини талабларни ўрганган ҳолда янгилашда замонавий техника ва технологиялардан унумли фойдаланиш самараси салмоқлидир.

Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ҳамда яна бир нечта турдаги маҳсулотларни тайёрлашни кўзда тутган тадбиркорлар бунинг учун янада замонавий технологик линия келтириб ўрнатишга саъй-ҳаракат қилишмоқда.

# ИМКОНИЯТЛАРДАН УНУМЛИ ФОЙДАЛАНИБ

**Албатта, либос одамнинг кўрки ҳисобланади. Ҳар бир инсон ўз диди, эҳтиёжи асосида либос танлайди. Ана шундай кийим-кечак усталари эса барчанинг талаб, дид ва эҳтиёжини ўрганган ҳолда иш юритади.**

Бозор ва харидор талабига мос кийим-кечаклар, шубҳасиз, ички бозорда ўрнини топиши баробарида, экспорт қилишга ҳам мўлжалланади. «ZAMIN TURKISTON» масъулияти чекланган жамияти тадбиркорлари эркаклар учун устки либослар тайёрлашни йўлга қўйганига бир неча йил бўлди. Айни пайтда 50 нафардан ортиқ малакали мутахассислар меҳнат қилаётган мазкур жамоада йиллик ўртача айланма маблағ ҳажми 200 миллион сўмликдан зиёдни ташкил этмоқда. Ҳар йили қўшимча ишчи ўринлари ҳам яратилмоқда.

— Корхонамиз илк фаолиятини бошлаган 2006 йилда 3 хил моделдаги эркаклар устки кийимлари тайёрлаган бўлсак, — дейди корхона раҳбари Равшан Мирзамаҳмудов, — ўтган йилда моҳир дизайнерларимизнинг изланишлари ва маркетинг ишлари яхши йўлга қўйилгани боис маҳсулотларимиз турлари ортиб, уларнинг сони 20 хил моделни ташкил этмоқда. Шуни алоҳида таъкидлашим лозимки, мамлакатимизда тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор, яратилган шарт-шароитлар бизга катта мадад бўлмоқда. Айниқса, ҳуқуқий ҳимоямиз таъминлангани, молиявий кўмак берилаётгани ривожланишимизда муҳим омиллардандир. Биз ҳам 2008 йилда «Алоқабанк»нинг молиявий ёрдами асосида Германия, Хитой ва Туркиядан тикув дастгоҳлари ҳамда пресс дазмоллар келтиришга муваффақ бўлдик.

Бунинг самараси шунда кўриндики, кейинги йилларда ана шу дастгоҳлар қувватидан унумли фойдаланиш натижасида ишлаб чиқариш қуввати, маҳсулот сифати ортди. Эркаклар учун тикилаётган костюм-шимлар рақобатбардошлиги таъминланди. Олинган соф фойда ҳам ортиб, ишчи-ходимларнинг ижтимоий ҳимоясига эътибор кучайди. Улар учун қулай дам олиш ва меҳнат қилиш шароитлари яратилди.

Тадбиркорлар ўтган йилларда эришилган ютуқлардан руҳланган ҳолда жорий йилни янги режалар билан бошлашди. Улар имкониятлардан унумли фойдаланган ҳолда маҳсулот рақобатбардошлигини ошириб, МДҲ давлатларига экспортни йўлга қўйишни режалаштиришган.

# ШОГИРДЛАРИ САФИ ОРТМОҚДА

**Миллий ҳунармандчиликни ривожлантиришда, уни аждодлардан авлодларга етказишда «Уста-шогирд» анъанасининг ўрнини алоҳида таъкидлаш лозим.**

Бугунги кунда қўли гул ҳунармандларимиз ҳақиқий санъат асарлари даражасидаги маҳсулотларни яратиш баробарида ёшларга ҳунар сирларини ўргатишга, муносиб шогирдлар тайёрлашга эътибор қаратишмоқда. Бу эса бобомерос ҳунар турларининг ривожида, янада мукаммаллашиб бойишида муҳим ҳисса бўлмоқда.

Ҳунарманд уста Ўктам Шодмонқулов тош ва ёғоч ўймакорлиги билан шуғулланиб, маҳаллий хом ашёдан фойдаланган ҳолда турли буюмлар тайёрламоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, ўз ҳунарининг моҳир устаси даражасига етган Ўктам Шодмонқулов тайёрлаган маҳсулотлари тури бугунга келиб 200 хилдан ортиб кетди. Шунинг баробарида у «Уста-шогирд» мактабини ташкил этиб, кўплаб ёшларда ҳунарга меҳр уйғотган. Шогирдлари сони айни пайтга келиб 160 нафардан ортиб кетганлиги бунинг ёрқин мисолидир. Шуни мамнуният билан таъкидлаш лозимки, уста 2006 йилдан буён Ўзбекистон Бадиий академияси аъзоси.

Иқтидорли ҳунармандннинг келгусидаги мақсадлари сирасига шогирдлари сафини янада кўпайтириш, ўзи танлаган ҳунар йўналишини ҳар томонлама ривожлантириш, мамлакат ва халқаро миқёсдаги кўргазмаларда муваффақиятли иштирок этиш киради. Замон талаблари асосида маҳсулотлари тури ва сифатини оширишни ҳам эзгу мақсад қилган ҳунарманд бугунги кунда бетакрор буюмлар тайёрлаш устида изланмоқда.

**Шарофат БАҲРОМОВА**

ЎЗБЕКИСТОН — ЖАНУБИЙ КОРЕЯ:

# СТРАТЕГИК ШЕРИКЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

***(Давоми. Боши 1-бетда).***

Давлатлар ўртасида савдода энг қулай тартиб ўрнатилган. Корея Республикаси Ўзбекистоннинг Осиё-Тинч океани минтақасидаги савдо шериклари орасида етакчи ўринни эгаллайди. Охирги йилларда товар айланмаси йил сайин барқарор равишда ўсмоқда, унинг даражаси статистик идоралар маълумотларига кўра, 2009 йилда 2008 йилдагига нисбатан 8,2 фоизга ошган ва 1 миллиард 220 миллион АҚШ долларидан зиёдни ташкил этган.

Ўзбекистонга Жанубий Корея томони билан биргаликда амалга ошириладиган лойиҳалар, шунингдек «JM-Uz» ("Jeneral motors O"zbekiston") қўшма корхонаси учун эҳтиёт ва бутловчи қисмлар ишлаб чиқаришга мўлжалланган катта миқдордаги сармоялар киритилмоқда.

2009 йилда Ўзбекистондан Корея Республикасига экспорт қилинган маҳсулотлар асосини пахта толаси, пахтадан тайёрланган ип, уран концентрати, мис, транспорт ва сайёҳлик хизматлари ташкил этди.

Ўзбекистон иқтисодиётига киритилган Жанубий Корея сармоясининг умумий ҳажми 5 миллиард АҚШ долларига етди, шундан 2 миллиард доллардан зиёди ўзлаштирилган. Бугунги кунда мамлакатимизда корейс сармояси иштирокида 373 та корхона фаолият юритмоқда, улардан 72 таси тўлалигича кореяликлар маблағи асосида тузилган. Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлигида Жанубий Кореянинг 85 та компанияси ваколатхонаси рўйхатга олинган.

Стратегик шериклик муносабатларига ўтиш мамлакатимиз иқтисодиётининг стратегик тармоқларига корейс капитали учун йўл очди ва Ўзбекистоннинг маъданли-хом ашё захираларини биргаликда қазиб олиш бўйича муҳим битимга эришилишига асос бўлди. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг 2008 йил февраль ойидаги Жанубий Кореяга ташрифи чоғида "Ўзбекнефтегаз" миллий холдинг компанияси ва Корея Республикаси газ корпорацияси раҳбарлигидаги сармоядорлар консорциуми ўртасида Сурғил конида қўшма корхона ташкил этиш тўғрисидаги ҳужжат имзоланди.

Унинг негизида ўзбек газини қайта ишловчи ҳамда полиэтилен ва полипропилен ишлаб чиқарувчи Устюрт газ ва кимё мажмуаси қурилади. Мажмуанинг умумий қуввати йилига 445 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган. Мазкур лойиҳанинг баҳоси 3,12 миллиард АҚШ долларини ташкил этиб, йилига 1,6 миллиард долларга тенг маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Корея Республикасига ушбу ташрифи чоғида Сурғил лойиҳасини амалга оширишга тўғридан-тўғри корейс инвестициясини киритишга мўлжалланган сармоявий битим имзоланиши кўзда тутилган.

Жанубий Корея компаниялари мамлакатимиздаги тўқимачилик соҳасини ривожлантиришда ҳам фаол иштирок этмоқда. Ушбу тармоқдаги корхоналар томонидан 2009 йилда "Ўзбекенгилсаноат" давлат акциядорлик компанияси бўйича қайта ишланган пахта толаси умумий ҳажмининг 24 фоизи қайта ишланиб, 77,24 миллион АҚШ доллари миқдоридаги тайёр маҳсулот экспорт қилинди.

Электротехника саноатида 2009 йил декабрь ойида "LG Electronics" билан Самарқанддаги "Сино" очиқ акциядорлик компанияси негизида «LG» русумли совуткичлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ушбу лойиҳанинг қиймати 9,8 миллион АҚШ долларини ташкил этади.

Бугунги кунда Ўзбекистонда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантириш ишлари жадал олиб борилмоқда. Ҳозирги пайтда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси ҳудудида хорижий, хусусан, Жанубий кореялик сармоядорлар билан ҳамкорликда умумий ҳажми 187 миллион АҚШ долларидан зиёд бўлган 19 та лойиҳа амалга оширилмоқда. 2010 йилнинг иккинчи ярмида 16 та лойиҳанинг тўла қувват билан ишга туширилиши мўлжалланган.

Ўтган йилнинг январь ойидан бошлаб Жанубий Кореянинг "Кореан Эйр" авиакомпанияси томонидан бошқарилаётган Навоий шаҳри аэропорти негизида трансминтақавий интермодаль хабининг ишга туширилгани эркин индустриал-иқтисодий зона муваффақиятининг муҳим омили деб ҳисобланмоқда.

Маданиятлар алмашинувининг мустаҳкамланишига фестиваллар, концертлар, кўргазмалар, турли спорт тадбирлари ўтказилишининг анъанага айланиб бораётгани кўмак бермоқда. Хусусан, 2008 йил октябрь ойида Тошкентда Жанубий Кореянинг таниқли мусаввири Ким Гин Аннинг шахсий кўргазмаси ва шарқ якка кураши устаси Мин Кен Сикнинг мастер-класслари муваффақият билан ўтказилди.

2008 йил ноябрь ойида Корея Республикасида мамлакат ташқи ишлар ва савдо вазирлиги кўмагида Марказий Осиё мамлакатлари маданиятининг "Ипак йўли" фестивали бўлиб ўтди, Жанубий Кореянинг Санъат масалалари бўйича кенгаши ва Корея жамғармаси ҳамкорлигида "Марказий Осиё шеърияти" фотокўргазмаси, "Сўғдиёна" чолғучилар гуруҳи мусиқачилари иштирокида "Ипак йўли руҳияти" концерти, "Ипак йўли ёғду ва ранглари" миллий либослар кўргазмаси намойиш этилди.

2009 йил апрелда Тошкентда "Корея маданияти Ипак йўли сари одимламоқда" шиори остида Жанубий кореялик санъат усталари иштирокида фестиваль бўлиб ўтди, бир ойдан сўнг эса Сеулда ўзбек санъаткорларининг концерти ташкил этилди.

Ўтган йил ноябрь ойида ушбу мамлакат Миллий музейида "Ўзбекистоннинг қадимий тарихи ва маданияти" фестивалининг очилгани Корея Республикаси маданий ҳаётидаги муҳим воқеа бўлди. Унда эрамиздан аввалги биринчи асрларда мавжуд бўлган, эски Термиздаги Фаёзтепа буддавийлик ибодатхонаси мажмуасидан топилган халқларимиз ўртасидаги узоқ асрларга бориб тақаладиган тарихий ва маданий алоқалардан гувоҳлик берувчи ҳайкалтарошлик ҳамда деворларга сурат солиш анъаналарини ўзида мужассам этган эллинизм, буддавийлик, бактрия-суғдийлик даврига оид 150 дан зиёд санъат намуналари илк бор намойиш этилди. Сеулда кўргазманинг ўтказилиши санъатнинг халқларни жипслаштириш ва мамлакатлар ўртасидаги масофани яқинлаштириш борасида фавқулодда муҳим ўрин тутишини яна бир бор исботлади.

Мамлакатимиз пойтахтида Сеул истироҳат боғи — шаҳар аҳолиси ва меҳмонлари учун дам олиш масканининг ташкил этилиши Ўзбекистон — Жанубий Корея дўстлигини мустаҳкамлашда муҳим воқеа бўлди. Ҳозирги вақтда ушбу масаланинг ташкилий жиҳатлари билан Тошкент шаҳри ва Сеул ҳокимиятлари музокара олиб бормоқда.

Корея Республикаси Президенти Ли Мён Бакнинг 2009 йил май ойида Ўзбекистонга уюштирган ташрифи чоғида эълон қилинган ташаббусига кўра, ҳозирги пайтда Жанубий Корея томони Ўзбекистон таэквандо уюшмасига мамлакатимизда ушбу спорт турини ривожлантириш, зарур спорт анжомлари билан таъминлаш, ўзбек спортчилари учун Корея Республикасида тренинглар ташкил этиш, Ўзбекистонда Жанубий кореялик спорт усталари ва мураббийларининг мастер-классларини ўтказиш борасида ҳар томонлама ёрдам бермоқда.

Ўзбекистонда корейс миллатига мансуб 200 мингга яқин аҳоли истиқомат қилади. Уларнинг асосий қисми пойтахтда, Тошкент ва Сирдарё вилоятларида яшайди. Ўзбекистон ҳукумати этник жиҳатдан корейс миллатига мансуб аҳолини қўллаб-қувватлашга, уларнинг Ўзбекистонда истиқомат қилаётган бошқа миллатлар ва халқлар вакиллари каби ҳар томонлама ижтимоий, маънавий ва маданий ривожланишларига алоҳида эътибор қаратади.

Таъкидлаш жоизки, охирги 10 йилда турмушнинг турли соҳаларидаги самарали меҳнати, Ўзбекистон тараққиётига, миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашга қўшган муносиб ҳиссаси учун 148 нафар корейс миллатига мансуб фуқаро давлатимизнинг юксак мукофотлари билан тақдирланган.

**«Жаҳон» АА**

